



# Кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини мустақкамлашга қаратилган самимий мулоқотлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг таклифига биноан жорий йил 19-20 август кунлари амалий ташриф билан Будапешт шаҳрида бўлди.



Давлатимиз раҳбари 20 август кuni Будапешт шаҳрига ташрифи доирасида Европанинг етакчи "ОТР" банки бошқаруви раиси Шандор Чаньини қабул қилди.

Президент Венгрия ишбилармонлари билан ҳамкорликдаги биринчи йирик лойиҳа муваффақиятли амалга оширилгани — "ОТР" банки Ўзбекистон бозорига кирганини алоҳида мамнуният билан таъкидлади.

"Ипотека банк"ни хусусийлаштириш бўйича битимнинг муваффақияти хорижий инвесторларга муҳим ишора бўлгани ва уларнинг мамлакатимизга қизиқишини оширгани қайд этилди.

Учрашувда Ўзбекистон банк-молия соҳасини ривожлантириш, шу жумладан, хизматлар сифатини ошириш, энг аввало, бизнес учун инновацион

ва арзон маҳсулотларни жорий этиш борасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Саноат кооперацияси, қишлоқ хўжалиги ва бошқа устувор тармоқлардаги қўшма лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва илгари суришнинг самарали молиявий воситаларини тез фурсатда ишга тушириш муҳимлиги таъкидланди.

Банк раҳбари Шандор Чань Венгрия компаниялари ўз инвестициявий фаолиятини кенгайтиришига яратилган қўлай шароитлар учун Ўзбекистон етакчисига самимий миннатдорлик билдирди.

Будапешт шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси

Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада мустақкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш жараёнида фаол мулоқот ва алмашинувлар давом этаётгани мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро товар айирбошлаш кўрсаткичлари сезиларли даражада ўсмоқда. Жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб Имтиёзли савдо тўғрисидаги битим кучга кирди. Қўшма корхоналар сони 2,5 мингдан ошди.

Ўзбекистон ва Туркия раҳбарлари икки мамлакат етакчи компанияларининг

устувор тармоқларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги режаларини оқшладилар.

Икки ва кўп томонлама тadbирлар режаси, шу жумладан, қўшма Стратегик ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги ййгилишига ҳамда Туркий давлатлар ташкилоти ва Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг жорий йилда ўтказилиши мўлжалланган саммитларига тайёргарлик масалалари кўриб чиқилди.

Будапешт шаҳрида ўтаётган энгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Каттар Давлати Амири Тамим бин Хамад Ол Соний, Озарбайжон Республикаси Президенти Илхом Алиев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Туркменистон Президенти Сердар

Бердимухамедов, Сербия Республикаси Президенти Александр Вучич ва Татаристон Раиси Рустам Минниханов билан суҳбатлашди.

Икки томонлама амалий ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шунингдек, етакчилар жаҳон чемпионатининг эркаклар ўртасида 100 метр масофага югуриш бўйича финал баҳсини томоша қилдилар.

Энгил атлетика бўйича XIX жаҳон чемпионати Будапешт шаҳрининг Энгил атлетика миллий марказида 2023 йил 19 август кuni бошланган бўлиб, 27 августга давом этади. Медаллар спортнинг 49 тури бўйича, шу жумладан, эркаклар ва аёллар ўртасида 24 тадан йўналишда ҳамда аралаш эстафетдада ўйналмоқда. Мусобақаларда

190 дан зиёд мамлакатдан 2 минг нафардан ортиқ спортчи қатнашмоқда.

Чемпионатда Ўзбекистондан 5 нафар атлетимиз спортнинг баландликка сакраш, уч хатлаб сакраш, узунликка сакраш, еттикураш ва марафон каби турларида куч синашмоқда.

Ғолиблар ҳамда олимпия нормативларини бажарган спортчилар 2024 йилда Париж шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпия ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Президентимиз Венгриянинг давлат байрами — авлиё Иштван кунига бағишланган тadbирларда ҳам иштирок этди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Венгрияга амалий ташрифи якунланди.

ЎЗА



## ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!

# МЕҲРИ ДАРЁ — ҚАШҚАДАРЁ

## УЛУҒЛАРНИНГ ҚАДАМИ ТЕККАН ТУПРОҚ



Бугун кўнгилни кенг қилиб, атрофга разм солган киши борки, янгиликларнинг, қисқа муддатда амалга оширилган мислсиз ўзгаришларнинг гувоҳи бўлади. Олижаноб халқимизнинг фидокорона меҳнати, эзгу амаллари, ният ва истакларига мос тарзда узок йилларга хизмат қиладиган ишлар бажарилмоқда. Янги Ўзбекистонни барпо этиш борасида қўлга киритилаётган натижалар ватандошларимизнинг онгу тафаккурида, дунёқарашининг ўзгаришида, иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизда акс этаётган.

Қашқадарё вилояти иқтисодиёти ҳам барқарор ривожланиб, аҳолининг турмуш шароити кундан-кунга яхшиланяпти. Буни ҳар бир йўналишда эришилаётган натижалар мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якуни бўйича воҳада ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 105 фоизни, саноат ишлаб чиқариш 106, қишлоқ хўжалиги 103, қурилиш пудрат ишлари 103, хизмат кўрсатиш 113 фоизни ташкил этди.

Маҳаллий бюджет даромадлари 2 триллион 22 миллиард сўмга таъминланиб, қўшимча 187 миллиард сўм жалб этилди. Ҳисобот даврида 300 мингга яқин аҳоли, шундан 78 минг нафардан зиёд ёшларнинг бандлиги таъминланди. "Маҳаллабай" ишлаш тизими ҳақида сўз кетар экан, қисқа фурсат ичида бу тизим нақадар узини оқлаганига, фуқаролар учун қўлай ва манфаатли янгиликлар ҳаётга кириб келаётганига гувоҳ бўламиз.

Бугун маҳаллада ҳар бир йўналиш, ҳар бир ёш тоифасининг ўз эгаси, сўровчиси бор. Тизимни ривожлантириш учун барча шарт-шароит ва ҳуқуқий асослар жорий этилди. Ҳоким ёрдамчилари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари сарҳисоб қилинганда, қашқадарёлик ҳоким ёрдамчилари 87,89 балл билан мамлакат бўйича биринчи ўринни эгаллади.

Шу ўринда ҳозир жойларда бандлиги таъминланганларнинг 62 фоизи бевосита ҳоким ёрдамчилари томонидан амалга оширилган ишлар самараси эканини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Уларнинг тавсияномалари асосида шу йил бошидан 20 960 фуқарога 473 миллиард сўм имтиёзли кредит ва 3305 нафар ишсизга 15 миллиард сўм субсидия ажратилди. Вилоятда 5057 та юридик ва 4029 та яқка тартибдаги тadbиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилди.

Давоми 3-бетда



## МУНОСАБАТ

Президентимизнинг биз тadbиркорлар билан навбатдаги очик мулоқоти соҳамиз ривожланиши учун янги имкониятлар яратгани, ташаббусларга ундагани билан ҳам катта таассурот қолдирди, руҳлантирди. Учрашув аввалида давлатимиз раҳбаридан мамлакатимизнинг юксак мукофоти — "Дўстлик" орденини қабул қилиб олганим чиндан ҳам ҳаётимизда энг унутилмас кун сифатида муҳрланиб қолди.

# ЭЪТИРОФ ВА РАҒБАТ

## ЯНГИ ТАШАББУСЛАРГА УНДАЙДИ

Тadbиркорлар билан очик мулоқот соҳа ривожини қанчалик аҳамиятли эканини ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар мисолида барчамиз кўриб, билиб турибмиз. Шу билан бирга, мулоқот доирасида бевосита давлат раҳбари билан юзма-юз учрашиб, фикр билдирди

имкониятига эга бўлаётганимиз тadbиркорлар фаолиятига катта рағбат ва куч беради. Бунга Мўйноқ туманида амалга оширилаётган ишлар яққол мисол бўлади.

Давоми 2-бетда



## АГРАР ТАРМОҚ

# ШОЛИ ЕТИШТИРИШДА ЕТАКЧИ ДАВЛАТЛАР ҚАТОРИГА ҚЎШИЛА ОЛАМИЗМИ?

Шоли етиштиришнинг анъанавий усули асрлар давомида сақланиб келмоқда ва ҳозир ҳам қўллаб давлатлар, хусусан, мамлакатимизда уруғ экилгандан кейин уни сувга бостириб қўйиш технологиясидан фойдаланилади. Бу шоли етиштиришда бошқа экинларга нисбатан бир неча баробар кўп сув талаб этилади, дегани. Шунинг учун уни ҳамма жойда экиннинг имкони йўқ, Бошқа томондан, жаҳон бозорида гуруч энг талабгир маҳсулотлардан бири ва унга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда.

Давоми 4-бетда







АГРАР ТАРМОҚ



Ирода ТОШМАТОВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Бошланиши 1-бетда

Дунё аҳолисининг учдан бир қисми учун гуруч асосий озиқ-танов манбаи саналади. БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти (ФАО) маълумотларига кўра, 2020 йилда сайёрамизда 158,8 миллион гектарга шoли экилиб, 742,5 миллион тонна гуруч етиштирилган...

лишда жаҳон тажрибаси анча илгорлаган. Кўплаб давлатлар аллақачон шoличиликда замонавий технологияларни қўллаш ҳисобига ресурстежамкор, ҳосилдор навларни етиштиряпти...

НАВЛАР КОЛЛЕКЦИЯСИГА БОЙ МУАССАСА

Шoли тропик минтақадан келиб чиққанига қарамай, мўътадил иқлимли худудларда кенг тарқалган. Шoли парваришнинг ўзига хос агротехнологияси мавжуд ва уларни такомиллаштириб бoриш соҳанинг долзарб вазифаларидан. Гап шундаки, шoли етиштиришда кўп сув талаб қилинган...

Қарийб юз йиллик тарихга эга муассасада 30 дан ортиқ шoли нави, 10 дан зиёд соя ва шунча миқдордаги янги мош навлари яратилган. Бу айтишгагина осон. Битта нав яратиш учун 10 йилдан 15 йилгача вақт керак.

Шoли генетикаси селекцияси лабораторияси генфондида мингта яқин нав намуналари бор. Уларнинг аксарияти хориждан келтирилган ва бари тадқиқот учун тажриба майдонларига экилган.



ШOЛИ ЕТИШТИРИШДА ЕТАКЧИ ДАВЛАТЛАР ҚАТОРИГА ҚўШИЛА ОЛАМИЗМИ?

Ўтган йили юртимизда 110 минг гектарга яқин майдонда 516 минг тонна шoли етиштирилиб, ўртача ҳосилдорлик гектарига 4,7 тоннани ташкил этди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу етарли курсатки эмас ва шoличиликда етакчи давлатлар билан солиштирилганда, бизда ҳосилдорлик анча паст.

хилма-хил гуруч навларини тақлиф этишининг назарда тутмайди. Асосий мақсад янги навлар асосида шoличилик тармоғини ривожлантириш, иқтисодий самарадорлигини ошириб, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

Ҳиндистон каби давлатларда яратилган. Учинчи мақсадимиз, селекцияни тезлаштириш учун илгор рақамли технологияларни йўлга қўйиш керак. Масалан, юқори иссиқ ҳароратда шoли даласида юриб, экиннинг агротехник ҳолатини ўрганиш ишларини олиб бoришдан кўра, битта хонанада ўтириб, замонавий технологиялар ёрдамида бир вақтнинг ўзида ўсимликнинг бир неча параметрларини кузатган самаралироқ.



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКҮР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

ХАЛҚАРО ТАЖРИБАЛАР НАТИЖА БЕРА БОШЛАДИ

Шoлининг ўзига хос хусусияти бор: у ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаб, шўрланишни камайтиради, бир йиллик беғона ўтларни йўқотади. Мутахассисларнинг айтишича, шoли учун бошқа экинлардан чиққан оқова сувни ҳам беғомал ишлатиш мумкин, бу билан сув иқтисоди ва экологик тозаликка эришади.



Бугунги кунда юртимизда кучли шўрланган 300 минг гектардан ортиқ ташланади, бошқа экин экиш мумкин бўлмаган ер мавжуд. Умумий экин майдонларининг шўрланиш даражаси ҳам ортиб бoряпти. Ана шундай ерларга шoли экиш яқини самара бериши фанда ва амалиётда ўз тасдиғини топган. Аммо сув танқислиги кўпинча бунга имкон бермайди.

тонлик Ҳусайн Манзур. — Бугунги кунда дунёдаги энг глобал муаммолардан бири иқлим ўзгариши ва қурғоқчилик бўлиб, бу бевосита шoличилик соҳасига ҳам таъсир қилмоқда. Кўп шoли навларининг ўсиш жараёнида ётиб қолиши ҳам жиддий масала. Бу борада Ҳиндистон янги технологияларни фаол қўллаш орқали яқини натижаларга эришмоқда.

Қарийб юз йиллик тарихга эга муассасада 30 дан ортиқ шoли нави, 10 дан зиёд соя ва шунча миқдордаги янги мош навлари яратилган. Бу айтишгагина осон. Битта нав яратиш учун 10 йилдан 15 йилгача вақт керак. Эски техник воситалар, анъанавий ёндашувлар бу мuddатни узайтираверади. Шу боис, охириги йилларда институт лабораториялари энг замонавий технологиялар билан жиҳозланмоқда.

ИККИ МАРТА ҲОСИЛ ОЛИШ ЙўЛГА ҚўЙИЛДИ

Халқаро ҳамкорликдаги ана шундай тажриба-лар асосида Шoличилик илмий-тадқиқот институти олимлари шoлидан йилда икки марта ҳосил олиш тажрибасини муваффақиятли ўтказишга эришди. Жанубий Кореянинг Ўзбекистондаги КОРИА маркази мутахассислари билан ҳамкорликда олиб бoрилган тадқиқот шoлини кўчат усулида механизация ёрдамида экиш технологиясига асосланади.

қикот институти профессори, қишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори Рихсавой Тиллаев. — Апрель ойида тажриба сифатида экилган ўрталашар, серҳосил "Искандар" нави шoли кўчатлари ёзнинг қоқ ўртасида пишиб етилгани-ю, унинг кетидан иккинчи ҳосил учун яна эртанишар шoли нави кўчатларининг ерга қадалгани чин маънода тарихий воқеа бўлди. Кўчат усулида шoли етиштириш ва механизация ёрдамида экиш тажрибаси юртимиз шароитида янгиликдир.

Ҳосилдорлик ҳам ёмон бўлмади, айрим қисмларда 5,5 тоннага, айримларида 6, ҳатто 7 тоннагача етди. Натижа янги технология асосида кўчат усулида шoли экилиши юқори самарадорликка эга эканини кўрсатди. У усул харажатларини камайитириб, ресурсларни тежаш билан бирга, шoлини йилда бир неча марта етиштириш имконини бeради.

Институтнинг тажриба далаларига кам сув талаб қиладиган, қурғоқчиликка чидамли 521 та намуна экилган. Улар Филиппинда жойлашган Халқаро шoличилик институти билан ҳамкорликда юртимизга олиб келинган. Олимларнинг тушунтиришича, бу навлар вегетация даврида 20-25 марта сув ичади. Ҳар сув ичган пайтда бир гектар майдонга 300 куб метрдан сув сарф қилинади.



ЎЗБЕК ГУРУЧИГА ЖАҲОН БОЗОРИДА ТАЛАБ БОР

Ҳозирги вақтда юртимизда етиштирилаётган шoли ҳосили деярли экспорт қилинмайди. Бу маҳаллий аҳоли эҳтиёж ва талабларини қондириш зарурати билан боғлиқ. Аммо бошқа томондан, ўзбек палови, аллақачон, дунё ошхонасидан жой эгаллаган ва миллий таомимизни ўзимизнинг гуручда тайёрлаш барибери бошқача. Гап минтақа иқлими, худудга ҳосилдига бўлса керак. Қолаверса, ер юзининг турли бурчакларида ўзбеклар истиқомат қиладиган ва улар маҳаллий гуручларимизни истеъмол қилишга ўрганган. Шу боис, чет эл бозорларида ҳам гуручимизга талаб бор ва уни таъминлаш учун экспортни кенг йўлга қўйиш лозим.

Органик — бу экологик тоза, табиий маҳсулот, дегани. Ҳозир жаҳон бозорида шундай маҳсулотларга талаб юқори ва нархи ҳам анча қimmat. — дейди институт лаборатория мудири, қишлоқ ҳўжалиги фанлари номзоди Феликс Ибрагимов. — Аммо органик маҳсулот етиштириш осон эмас. Экин экиш учун ерни тайёрлашдан тортиб, пишиб етилган маҳсулотни қадоқлаб, экспорт қилишга бўлган жараёнларнинг барида фақат табиий маҳсулотлар ишлатилиши талаб этилади.

ошириш, органик шoлини озиқлантириш учун кеч қуздан шoли кўчатини экишгача бўлган даврда органик сидерат (арпа, жавдар, баҳорги бўғдой аралашмаси) экилиб, кўчат экишдан 10-12 кун олдин майдалаб, ерга қўйиб хайдаб юборилди. Озиқа етарли бўлиши учун ерга чирган мол гўни солинди. Буларнинг натижасида майдоннинг ҳар гектаридан 3-4 тонна органик шoли ҳосили олиндиш кутилмоқда. Келаси йилдан шoли ҳосилдорлигини ошириш учун хлорелла, органик микробиология ўғитлар ва бошқаларни синаш ишлари бошланади.



